

ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИГИ ИҚТІСОДИЁТИ

12. "Чорвачилик тармоғини янада ривожлантириш ва құллаб-қувватлаш чора-тадбирлари түғрисида"ғи ПҚ-4243-сон қароры
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 мартағи "Чорвачилик тармоқтарини давлат томонидан янада құллаб-қувватлашынг құшымча чора-тадбирлари түғрисида"ғи ПҚ-5017 сонлы Қарори
14. Ашурметова Нигора Азатбековна. Современное состояние и стратегия развития аграрного сектора республики Узбекистан. Экономические науки № 2(42) 2020
15. Кисляков А.Н. Вектор государственной поддержки промышленного птицеводства Российской Федерации. «МОЛОДОЙ УЧЕНЫЙ №2(22), 2019
16. Коокуева В.В., Эрдниева Б.Ю. Актуальные вопросы государственной поддержки сельских территорий и сельского хозяйства // Молодой ученый. - 2014. - №19. - С. 309.
17. Marine Kholodova, Mikhail Kabanenko, Kushnarenko Tatiana, and Lyudmila Dubrova. Specifics of agricultural sector state support: domestic and foreign experience E3S Web of Conferences 175, 13005 (2020) INTERAGROMASH 2020
18. Чумакова М.К. Государственная поддержка как фактор повышения эффективности птицеводства Российской предпринимательство, 2010, № 3 (2)
19. Хатамов О., Бобомуратов И. Паррандачиликни ривожлантиришнинг ҳудудий иқтисодий статистик таҳлили. Агроиқтисодиёт.илмий амалий агроиқтисодий жүрнал. 4(14)2019.

СУГОРИЛАДИГАН ЕРЛАРНИ САМАРАЛИ БОШҚАРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ СОҲАСИДА ЭКОЛОГИК НАЗОРАТ ВА ЭКСПЕРТИЗА ТАШКИЛОТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Мирзаев Абдулла Курбанович -
Термиз давлат университети доценти

Аннотация. Мамлакатда суғориладиган ерлардан фойдаланишининг иқтисодий-экологик самарадорлигини оширишда техник, технологик, иқтисодий омиллар билан табиаттың мұхофазасы қилишини назорат қылувчи ташкилотлари ҳам мұхит роль үйнайды. Шу сабабли мазкур мақолада Суғориладиган ҳудудларда экологик назорат ва экологик экспертиза ташкилоттарининг фаолияттуну такомиллаштириши масалалари күриб чиқылган.

Таянч иборалар: экология, иқтисод, фойдаланыш, самарадорлик, назорат, экспертиза, табиат, атроф-мұхит, ташкилот, суғориладиган ер, сув, фаолият.

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ОРГАНИЗАЦИЙ ЭКОЛОГИЧЕСКОГО КОНТРОЛЯ И ЭКСПЕРТИЗЫ В ОБЛАСТИ ЭФФЕКТИВНОГО УПРАВЛЕНИЯ ОРОШАЕМЫМИ ЗЕМЛЯМИ

Мирзаев Абдулла Курбанович -
Доцент Термезского государственного университета

Аннотация. Для повышения экономико-экологической эффективности использования орошаемых земель в наряду технических, технологических и экономических факторов, немаловажную роль играет организации, осуществляющие контроль проводимых природы охранных мероприятий. Исходя из этих в данной работе рассмотрены вопросы совершенствования деятельности организаций экологического контроля и экологический экспертизы.

Ключевые слова: экология, экономика, использование, эффективность, контрол, экспертиза, природа, окружающая среда, организация, орошаемых земель, вода, деятельность.

IMPROVING THE ACTIVITIES OF ENVIRONMENTAL CONTROL AND EXPERTISE ORGANIZATIONS IN THE FIELD OF EFFECTIVE MANAGEMENT OF IRRIGATED LANDS

Mirzaev Abdulla Kurbanovich -
Associate Professor of Termez State University

Annotation. To increase the economic and environmental efficiency of the effective use of irrigated land in addition to technical, technological and economic factors, an important role is played by organizations that monitor the nature of protective measures. Proceeding from these in this work the questions of improvement of activity of the organizations of ecological control and ecological expertise are considered.

Keywords: ecology, economy, use, effectiveness, control, expertise, nature, environment, organization, irrigated lands, water, activity.

Кириш. Табиий шароитлар ва техноген жараёнлардан келиб чиқадиган экологик вазият суғориладиган ерлардан фойдаланиш тизимлари самарадорлигига таъсир қиласынан салбий омиллар бўлиб ҳисобланади. Ҳар доим фан-техника ва технологиялар ривожланиши, инсоннинг табиат билан ҳамоҳанглиқда беками

кўсту фаолияттуни яратиш ва таъминлашга йўналтирилган бўлиши керак.

Аҳоли йилдан - йилга кўпайиб бормоқда, бу эса суғориладиган ерларга талабни янада ошириб келмоқда. Суғориладиган зоналарда экологик назорат ва экспертиза натижасида куйидаги муаммоларни қайд этиб ўтиш лозим:

ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИГИ ИҚТІСОДИЁТИ

- экологик назоратни амалга оширувчи барча ваколатли органлар мустақил равища фаолият олиб боришлари керак. Афсуски, бу талаб амалда ҳамма вақт ҳам бажарилмаябди. Масалан. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги сув хўжалиги тизимини эксплуатация қилиш билан бир вақтда, мелиорация ва сувдан фойдаланиш бўйича, Ўзбекистон Республикаси ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри Давлат қўмитаси ер ресурсларидан фойдаланишини бошқариш билан билан бир қаторда ердан рационал фойдаланиш бўйича давлат экологик назоратларини ҳам амалга ошириб келмоқда. Бундай ҳолат экологик назорат бўйича олинган маълумотларнинг холислигига шубҳа ўйғотмоқда;

- қишлоқ хўжалигини ривожлантириш самарадорлиги кўпинча сугориладиган ерлардан фойдаланишини тартибга солишининг экологик иқтисодий механизmlарига, ер, сув, биологик ва иқлим ресурсларидан рационал фойдаланишини амалга оширувчи субъектларнинг масъулияти ва иқтисодий манфаатлари тамойилларини амалга ошириш имкониятларига уларнинг қанчалик мувофиқ келишига боғлик бўлади;

- табиатни муҳофаза қилиш ва табиат ресурсларини бошқариш фаолиятини экологик иқтисодий функцияларини амалга оширишнинг энг мақбул аниқ шакли амалга оширилаётган табиатни муҳофаза қилиш амалиётини ўз вақтида ва сифатли назоратдан ўтказиб туришdir. Булар эса сугориладиган ерлардан фойдаланиш тизимларини тартибга солишининг иқтисодий-экологик самарадорлигини назорат қилиш механизмини шакллантиришнинг барча комплекс муаммосини ҳал қилишининг асосий жиҳатларидан бири бўлган экологик назорат ва экологик экспертиза ўтказишнинг илмий ва методологик асосларининг такомиллаштиришни тақозо этади;

- сугориладиган зоналарда экологик экспертиза ва экологик назорат ташкилотларининг табиатни муҳофаза қилиш фаолиятидаги камчиликлар шу билан асосланадики, кўпгина ҳолларда экологик назоратни табиат бойликларини (тармоқ, бошқарма, корхона) эксплуатация қилувчи органларнинг ўзи томонидан амалга оширилади. Ердан фойдаланишининг иқтисодий натижасининг қисқа фурсатда (кўпинча йил охирида), экологик оқибатларнинг эса маълум бир вақтдан сўнг намоён бўлиши туфайли хўжалик мақсадлар кўпинча экологик вазифалардан устун бўлиб кўринмоқда. Айрим чўл зоналари: Қизириқ, Бандиҳон, Шеробод туманларида сугорма сувлари тақчил бўлиб турган бир шароитда фермерларнинг юқори фойда олишини кўзлаб кўп сув талаб қилинадиган экинларни қишиш ҳолатлари ҳануз давом этмоқда .Бунинг

окибатида, сизот сувлари сатҳи қўтарилиб экин майдонларининг шўрланиш даражаси ошиб кетмоқда. Натижада бундай ерлар фойдаланишга яроқсиз бўлиб қолмоқда;

- хукуқий-меъёрий хужжатлар (“Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги, “Экологик назорат тўғрисида”ги, “Давлат экологик экспертиза тўғрисида”ги Қонунлар ва бошқа хукуқий меъёрий-хужжатларда) ердан фойдаланувчиларнинг экологик талабларга риоя қилмаганлиги учун масъулияти умумий тарзда баён қилинган. Суғориладиган ерларнинг 90 %дан кўпроғи фермер, дехқон ва бошқа хўжаликлар томонидан фойдаланишига қарамай уларнинг табиатни муҳофаза қилиш меъёрларини бузганлиги учун тўғридан-тўғри (манзилли) жавобгарлиги меърий-хукуқий хужжатлар билан мустаҳкамланмаган;

- табиатни муҳофаза қилиш амалиёти самарадорлигини ошириш мақсадида Давлат экспертизаси амалга ошириладиган фаолият турлари рўйхатига (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 22 ноябрдағи №949 Қарори 2-иловаси) мавжуд сугориладиган ерлардан фойдаланиш тизимининг экологик баҳоси (сугориш ва коллектор-дренаж тармоқлари ва сизот сувлари чуқурлиги ҳолатлари ва ташланма сувларнинг минераллашув даражаларининг, ўтказилаётган сугориш, агротехник ва мелиоратив ишлар сифатининг экологик меъёрларга мувофиқлиги) тўғрисида банд киритилиши керак;

- мавжуд Давлат экологик экспертиза ўтказиши тартиби тўғрисидаги Низомда экологик экспертизани ўтказишида экологик аудит ва жамоатчилик экологик экспертиза хулосасидан фойдаланиш тўғрисида “қатъий (мажбурий) талаб келтирилмаган. Лекин, ЭСПО Конвенциясига кўра Давлат экологик экспертизасини ўтказишида жамоат ташкилотларининг (экологик аудит ва жамоатчилик экологик экспертиза) иштироки шарт қилиб қўйилган. Шунинг учун экологик объективнинг атроф-муҳитга экологик таъсирини баҳолаш жараёнларида мустақил жамоатчилик экологик экспертиза ва экологик аудитнинг иштирокининг мажбурийлиги Қонун томонидан таъминланиши ва экологик объективларнинг хавфсизлигини малакали баҳолаш учун маҳсус маҳаллий малакали экспертни (мутахассисларни) жалб этиш керак. Чегара объективларни лойиҳалаштиришда албатта қўшни мамлакатлар билан маслаҳатлашиш ва икки томонланма келишувга эришиш лозим;

- экологик назорат ва экологик экспертиза ташкилот ва қўмиталар фаолияти, улар томонидан назорат олиб борилаётган сугориладиган худудлар ва сув объективларида (сув омборлари, дарё ва кўлларда) экологик меъёрлар талабла-

рига амал қилиш даражасига қараб баҳоланиши керак.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили.

Павел Красилников, Мария Конюшкова, Ronald Vargasлар муаллифлигидаги “Ўрта Осиё мамлакатларида ер ресурслари ва озиқ-овқат хавфсизлиги” номли тадқиқот ишида сұғориладиган ерлардан самарали фойдаланиш бўйича ҳар бир мамлакатлар бўйича чуқур таҳлиллар амалга оширилган бўлиб, тежамкор усуллардан фойдаланган ҳолда ерлардан фойдаланиш бўйича таклифлар бериб ўтилган [7].

М.У. Мирзаев, Д.А. Абдуғаниева томонидан чоп этилган “Сув ресурсларидан фойдаланишда тежамкор технологияларнинг самарадорлиги” мавзусидаги тадқиқот ишида “Сув ресурслардан самарли фойдаланишда тежамкор технологияларни кўллаш орқали қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиширишни купайтириш имкониятлари жуда ҳам кенг. Томчилатиб ҳамда ёмғирлатиб сұғоришни лалми ерларда жорий этиш орқали интенсив боғлар ва чорвачиликни ташкил этиш, озуқа базасини яратиш лозим. Бу аҳолини озиқ-овқатга бўлган талабини қондиришга ҳам хизмат қиласи”, деб таъкидлаган [8].

Ю.Б. Новиков, Р.У Бекназовлар ҳаммуаллифидаги “Охрана окружающей среды” номли тадқиқот ишида сұғориладиган ерларнинг ифлосланишини экологик назорат қилиш ва мониторинг асосий мақсади, сув ва ер ресурсларини муҳофаза қилиш, улардан рационал фойдаланиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишдан иборатдир деб қайд этиб ўтган эди [15].

Т.Х. Фармонов, Ф.М. Юсупова томонидан ёзилган “Сув тежовчи технологиилар ишлаб чиқарилишини давлат томонидан иқтисодий рағбатлантириш” мавзусидаги тадқиқот ишида томчилатиб сұғориш бўйича батафсил тавсилотлар берилган [10].

Тадқиқот методологияси. Илмий тадқиқот давомида мақолада аналитик таҳлил, қиёсий таҳлил, статистик маълумотлар таҳлили, сұғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати таҳлили, ердан фойдаланиш самарадорлиги индикаторларидан самарали фойдаланилган. Тадқиқотимизда, қиёсий таҳлил, аналитик таҳлил йўналишлари орқали муаммони чуқурроқ ўрганишга ҳаракат қилинган. Муаммонинг ечи-мига олиб борувчи асосий йўналишлар белгиланган. Тадқиқот объекти сифатида сұғориладиган ерлар мисол қилиб олинган.

Таҳлил ва натижалар. Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, Мирзачўлни ўзлаштиришганга қадар, у ерда сизот сувлари чуқурлиги 30-40 метр бўлган. Чўл ўзлаштирилгандан сўнг улар ернинг унумдор қатламини шўрлатиб ер юзасида пайдо бўла бошлади. Биринчи йиллари юқори ҳосил берган ерлар, вақт ўтиб унумсиз

ерларга айланиб қолди. Оқибатда, туманларнинг кўплаб хўжаликлари гектарига 5-6 центнер пахта ҳосили олишди. Лекин хатони ҳеч ким тан олишмади[11]. Бундай мисолни ўзлаштирилганга қадар сизот сувлари умуман сезилмаган (сатҳи ер юзасидан 20-30 м чуқурликда бўлган) Сурхон-Шеробод чўли бўйича ҳам келтириш мумкин. Суформа сувлардан нотўғри фойдаланиш оқибатида ушбу чўлда сизот сувлари кескин кўтарилиди. Ҳозирги пайтда унинг сатҳи ер юзидан 1-1,5 м чуқурликкача кўтарилиб келган[13].

Ўтган асрнинг 1990 йилдан бошлаб турли хил сабаблар оқибатида республика бўйича 692,6 мингга ер фойдаланишдан чиқиб кетди[12]. Аму-Сурхон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси маълумотларига кўра, 2019 йилда Сурхондарё вилоят Қизириқ тумани бўйича мавжуд ёпиқ-ётиқ дренаж тармоқларининг 92%, 62% коллектор тармоғи фойдаланишга яроқсиз ҳолга келди. Туманда мелиоратив ҳолати қониқарсиз бўлган ерлар 992,1 га ни ташкил этди [5].

Булар ер ва сув ресурсларига бўлган салбий муносабатларнинг айрим мисоллари холос. Уларнинг сони республика бўйича афсуски, жуда кўп. Сұғориладиган ерларга нисбатан бўлган бундай нотўғри муносабат республиканизминг барча худудларида учрайди.

Узоқ келажакни ҳисобга олмай ер-сув, биологик, тупроқ-иқлим ресурсларидан барқарор фойдаланмаслик нафақат экинлар ҳосилдорлигининг пасайишига, балки атроф-муҳитнинг экологик ҳолатининг ёмонлашувига ҳам олиб келмоқда.

Қишлоқ хўжалигидаги ўз фаолиятини проvard натижага, яъни экологик тоза қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқариш ва атроф-муҳитини муҳофаза қилишга эмас, фақат оралиқ натижаларга йўналтирган корхоналар ҳам оз эмас. Масалан, агрохимия корхоналари ўзининг хўжалик ва молиявий режа кўрсаткичларга эга, шу кўрсаткичлар билан уларнинг фаолияти баҳоланади. Лекин, бу корхоналарнинг фаолияти фақат экин майдонларига берилган маҳаллий ўғитлар ва фойдаланиладиган заҳарли химикатлар ҳажми билангида эмас, балки улар ишлов берган гектарлардан олинган маҳсулотларнинг сифати ва атроф-муҳит ҳолати сифатига қараб баҳоланиши керак.

Ерларни муҳофаза қилиш ва тупроқнинг маҳсулдорлигини ошириш вазифаси, уларни комплекс равишда, яъни қишлоқ хўжалигига ларомад олишнинг асосий манбай ва шу билан бир вақтда муҳим ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга бўлган экологик омил сифатида ўрганишни тақозо этади.

ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИГИ ИҚТІСОДИЁТИ

Уларни амалга ошириш қүйидаги асосий йұналишлар бүйіча олиб борилади:

- қишлоқ хұжалиги ишлаб чиқариши билан боелиқ бўлмаган соҳаларда қишлоқ хұжалиги ерларидан фойдаланишини чеклаш;

- мелиорация ишларини кенг олиб бориш, қишлоқ хұжалиги экинзорларининг маҳсулдорлигини ошириш, тупроқ ва шамол эрозиясига қарши кураш;

- илгари қишлоқ хұжалиги оборотидан чиқиб кетган ерларнинг маҳсулдорлигини тиклаш ва уларни қайта ишлаб чиқаришга жалбетиши;

Хозирги кунда мамлакатда табиий бойликлардан рационал фойдаланиш ва бу мақсадларда янги технологик жараёнларни жорий этиши мөъёрий-хуқуқий асослари ишлаб чиқылған. Лекин уларда айрим мансабдор шахсларнинг теварак атрофдаги табиий ресурсларга зарарлилар даражасини камайтирадиган янги технология ва ускуналарни жорий этишга монелиги учун хуқуқий санкциялар белгиланмаган.

Республикада мелиоратив тизимлардаги нотұғри лойиҳа ва қурилишлар туфайли ер сифатининг ёмонлашувидан келдиган зарарни қоплаш учун ҳар йили қишлоқ хұжалиги корхоналари катта миқдорда жарима тұлашга мажбур бўлишмоқда. Лекин бу жарималардан хұжалик кўрадиган зарап корхоналарда олдиндан режалаштирилган ва маҳсулот таннархи таркибига киради. Шунинг улар корхонада ишловчиларнинг моддий рағбатлантиришга таъсир этмайди. Бу эса хұжаликларда теварак-атрофни муҳофаза қилиш бўйича манфаатдорликнинг ўйқлигини билдиради.

Республикада амалда иқтисодий секторларни барқарор ривожлантириш бўйича давлат сиёсатининг шакллантиришда экологик жиҳатларга етарли даражада эътибор берилмаяпти. Эскирган экологик стандартлардан фойдаланиш мамлакатда теварак атрофни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланишини тартибга солиш бўйича холис назорат ўтказиш ва унга объектив баҳо бериш имконини бермайди. Хозирги пайтда теварак-атрофни муҳофаза қилиш ва ердан рационал фойдаланиш бўйича экологик назоратни такомиллаштириш табиатни муҳофаза қилиш қонунчилиги талабларига амал қилишнининг асосий инструменти бўлиб қолмоқда. Табиатни муҳофаза қилиш чора-тадбирлари ва суғориладиган ерлардан фойдаланиш тизимларини тартибга солиш самарадорлигини оширишда мавжуд “2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш концепцияси”^[5], “Экологик назорат тўғрисида”^[2] ва “Давлат экологик экспертизаси тўғрисида”^[3] ги Қонунлар^[3] муҳим роль ўйнайди.

Экологик назорат-табиатдан рационал фойдаланиш ва теварак-атрофни зарарли таъсирлардан муҳофаза қилишни таъминловчи муҳим хуқуқий чора-тадбирдир. Хұжалик юритувчи субъектларни экологик талабларни бажаришга ундаш айнан экологик назорат орқали амалга оширилади. Экологик назорат жараёнларда экологик қоидабузарликларнинг хуқуқий чоралари қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикасида табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан рационал фойдаланиш соҳасидаги муносабатлари “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”^[1] ги Қонуни, шунингдек ер ва сувдан фойдаланиш тўғрисидаги қонунлар ва бошқа хуқуқий хужжатлар билан тартибга солиниб турилади.

Ўзбекистон Республикасида экология ва табиатни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан рационал фойдаланиш ва қайта ишлаб чиқаришнинг Давлат бошқаруви Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Экология ва табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси, давлат ҳокимиятининг жойлардаги органлари орқали амалга оширилади.

Давлат экологик назорати “Давлат экологик назорат тўғрисидаги” Қонун^[3], 2014 йил 5-августда Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган “Давлат экологик назоратини амалга ошириш тўғрисидаги” Низомга^[4]. асосан амалга оширилади. Шунга кўра Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси давлат экологик назорати соҳаси бўйича маҳсус ваколати давлат органлари фаолиятини мувофиқлаштириб турилади (маҳсус ваколатли органлар рўйхати иловада келтирилмоқда).

Мамлакатда мавжуд экологик назорат тизими тўрт даражадан иборат: экологик мониторинг (атроф-муҳит ҳолати тўғрисида давлат кузатиш хизмати), давлат, ишлаб чиқариш ва жамаотчилик назорати. Уларнинг ҳар бирининг ўзига хос функцияси ва шунга мувофиқ уни амалга ошириш воситалари бор.

Экология ва табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳузуридаги Давлат кузатиш хизмати атроф-муҳит ҳолати тўғрисида экологик мониторинги олиб боради, атроф-муҳитда содир бўлаётган физикавий, химиявий, биологик жараёнларнинг атмосфера ҳавоси, тупроқ ва сув обьектларини ифлослантириш даражасининг ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига таъсири оқибатларини кузатиб боради.

Алоҳида табиий обьектлар ва комплексларга хизмат кўрсатишилар билан умумдавлат экологик мониторинг тизими кенгайиб боради. Табиий обьектлар мониторинги тармоқлар табиий ресурслар экологик мониторинги органлари орқали олиб борилади. Худди шундай, Сув хұжалиги вазирилиги суғориладиган ерлардан

фойдаланиш билан бир вақтда, сұғоришининг атроф-муҳитга таъсирини, Ўзбекистон Республикаси саноат хавфсизлиги Давлат қўмитаси асосан саноат чиқиндиларининг теварак-атрофга таъсирини, Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги ўсимликлар карантини бўйича Давлат инспекцияси-карантин шартларининг бажарилиш ҳолатини кузатиб боради ва ҳакоза.

Давлат экологик назорати фаолияти табиатни муҳофаза қилиш бўйича қонунчиликка амал қилишни назорат қилишга йўналтирилган бўлади ва у табиатни муҳофаза қилиш бўйича фақат маълумотлар йиғиш ва етказиш билан чекланиб қоладиган давлат экологик мониторингидан фарқ қилиб, маъмурӣ-бошқарувнинг бир тури ҳисобланади. Давлат экологик назоратининг вазифаси табиий ресурслардан рационал фойдаланиш ва атроф-муҳитни ифлослашидан муҳофаза қилишдир. Давлат экологик назоратининг муҳим хусусияти шундаки, у бирон бир тармоқ ва идоравий манбаатни кўзламай, давлат номидан иш олиб боради.

Афсуски, бу талаб амалда ҳамма вақт ҳам бажарилмаяди. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигисув хўжалиги тизимини эксплуатация қилиш билан бир вақтда, сувдан рационал фойдаланиш бўйича давлат экологик назоратини ҳам олиб боради.

Ўзбекистон Республикаси ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри Давлат қўмитаси ер ресурсларидан фойдаланиш билан шуғулланиш керак, лекин у шу билан бир вақтда, улардан рационал фойдаланишни давлат номидан экологик назоратини ҳам амалга ошироқда. Бундай ҳолатни жойларда ўзига тегишли ҳудудларда экологик назоратини ўтказиб келаётган давлат ҳокимияти органларида ҳам кўплаб кузатиш мумкин. Бундай мисоллар давлатнинг экологик назорат ва табиат ресурсларидан фойдаланиш функциялари кўпинча қўшиб олиб борилаётганлигидан далолат беради.

Маълумки, сұғориладиган ерлардан фойдаланиш тизими-ер ва сув ресурслари билан бирга бошқа табиий ресурсларнинг фаол ўзаро таъсири юз берадиган мураккаб комплексдир. Бу ерда табиатни муҳофаза қилиш соҳасида Республиkaning маҳсус ваколатли органларининг фаолият доираси етарли даражада кенгdir. Мамлакатда экологик назорат самарадорлигини ошириш мақсадида Экология ва атроф-муҳитни муҳофazaga қилиш давлат қўmитasi, атроф-муҳитни муҳofazaga қiliш bўyichaga Respublika maҳsus vакolatli давлат органlari va aйrim tabiiy rесурс turларini muҳofazaga қiliш va улардан fойдаланиш bўyichaga boшқa вазirlik va idoralar ҳамda улarga tегишли ҳудудий органlarда давлат назoratlariни amalga oшиrishni muvofiқlashтириб turadi.

Ўзбекистон Республикаси Давлат экология қўмитасининг бошқa давлат органлари билан назорат фаолиятини muvofiқlashтиришилари Davlat санитария эпидемология назорати Прокуратура, Ички ишлар вазирлиги ва бошқa манбаатдор вазirlik va idoralar, шунингдек жамоат бирлашмалари билан ўзаро ҳамкорликда маҳsus меъёрий ҳукуқий ҳужжатлар асосида амалга оширилади.

Давлат экологик инспекторлари давлат экологик назоратининг мансабдор шахси ҳисобланади. Табиатни муҳофazaga қiliш тўғрисидаги Қонунга muvofiқ табиатни қўриқлаш bўyichaga инспекторларга берилган ваколат унга юклатилган топшириқ ва мажбуриятларни самарали бажариш учун зарур миқдорда кучга эга.

Сұғориладиган ерлар табиатдан фойдаланиш тизимининг асосий таркибий қисмларидан биридир. Шунинг учун сұғориладиган ҳудудларда атроф-муҳитни муҳofazaga қiliшда табиатдан fойдаланишning бошқa tizimlari кabi iшlab чиқариш ва жамоатчилик экологик назорати ҳам muҳim faol роль ўйнайди.

Ишlab чиқариш экологик назорати ўз олдига сув тақсимловчи (Ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари) ва сув истеъмолчи корхоналар (фермер, дехқон хўжаликлари ва бошқaлар) ва ташкилотларнинг табиатни муҳofazaga қiliш ва экологик тоза маҳсулотларни iшlab чиқариш bўyichaga мажбурий тадбирлар бажарини текшириб кўриш (назорат қилиш) вазifasini қўяди.

Одатда у ёки бу тармоқ хўжаликларида iшlab чиқариш назоратини мансабдор шахslar амалга оширади, улар асосан қишлоқ хўжалиги iшlab чиқаришини самарали олиб боришдан манбаатдор бўлишади. Бунга қарамай бу назоратни қуйидаги сабабга кўра тўлақонли деб бўлмайди: Хўжалик раҳbari kўplab корхonaning кундалик iшlari билан банд bўлади. Шунинг учун у тупроқ unumdorligini saqlab қoliш,iшlab чиқариш режаларини бажариш, сұғориладиган ерлардан kўпроқ dаромад олиш вазifalari билан банд bўlib сұғориладиган ерларда экологик талаблariiga riоя қiliшга etarli daражада эътибор беролмайдi. Boшқaча қилиб aйтганда улар anglab ёки anglamay экологик muammolarга boғliq bўlgan istiqbolli вазifalargaga nisbatan kundalik iшlab чиқariш eҳtiёжи va natijasini ustun kўradi.

Шунингдек, экологик назоратнинг muҳim tamoyillariidan бири жамoatchilikning iшtirokidi. Lekin жамoatchilik экологик назорат амалга оширишда deяrli жалb қилиnmaypti. Bu соҳада тушунтируv iшlari кам олиб борilaaypti.

Маълумки, экологик экспертиза экологик назоратни амалга ошиrishning энг muҳim usul-

ларидан бири ҳисобланади. “Давлат экологик экспертизаси түғрисида”ги [3] Қонун ва “Давлат экологик экспертизаси түғрисида”ги Низомга [4] мұвоғиқ экологик экспертиза объектининг реализациясидан келиб чиқадиган ижтимоий, иқтисодий ва бошқа салбай оқибаттарнинг олдини олиш мақсадида экологик экспертиза объектининг реализация қилишнинг мақсадга мұвоғиқлигини, хұжалик ва бошқа фаолияттарнинг экологик талабларга мослигини аниқлашни билдиради. Низомда давлат экологик экспертизаси ўтказишга мүлжалланган материалларни (объектларни) давлат экологик экспертизаси ўтказиш ва рухсат берши тартиби ўрнатылған. Үнгә күра корхона, ташкилоттар фаолият турлари бүйича атроф-мухитта таъсири нинг I, II, III ва IV тоифаларига тегишли объектлар лойиҳалари учун экспертиза ўтказилади.

Ўзбекистон Республикасида экологик экспертиза ўтказышнинг махсус ваколатли давлат органды экологик назоратдаги каби Экология ва атроф-мухитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасидир. Давлат экологик экспертизаси давлат экологик қўмитасининг қўйидаги махсус эксперт бўлинмалари орқали амалга оширилади:

Ўзбекистон Республикаси давлат экология ва атроф-мухитни муҳофаза қилиш қўмитаси “Давлат экологик экспертиза маркази” университаркорхонаси атроф-мухитта таъсири I ва II тоифага (юқори ва ўртача таваккалчиликдаги) тегишли объектлар бүйича давлат экспертизаси амалга оширади;

Атроф-мухитта таъсири III ва IV тоифаларга (таваккалчилиги паст ва таъсир доираси чегараланган) тегишли бўлган объектларга давлат экологик экспертизаси Қорақалпоғистон Республикаси давлат экологик экспертиза маркази, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича “Давлат экологик экспертиза маркази” давлат унитаркорхонаси томонидан амалга оширилади.

Материалларни (объектларни) давлат экспертизасидан ўтказишида теварак-атрофга экологик таъсирни баҳолаш натижалари ва экологик нормативлар, экологик аудитнинг ва жамоатчилик экологик экспертизаси хулосаларидан фойдаланиш мумкин. Мавжуд қонунчиликка кўра ер тузиш хужжатларини давлат экологик экспертизаси ўтказишида кўчмас мулк объектлари республика агентлиги ёки унинг худудий органлари томонидан мулкчилик хуқуқи тасдиқланган ерларни муҳофаза қилиш ва ундан рационал фойдаланишини таъминлаш бўйича ер эгалари томонидан бажарилиши шарт бўлган тадбирлар аниқланади [9].

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан бери бошқа Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатлари билан бир қаторда экологик баҳолаш тизимида ўзининг мустақил

экологик экспертизасини ўтказиб келмоқда. Украина, Молдова экологик экспертиза бўйича ўз моделини яратди. Озарбойжон, Арманистон республикалари бу соҳада ўз миллий қонунчилигини Европа Қоидаларига яқинлаштиришга ҳаракат қилди. Грузия давлат экспертизаси тўлиқ бекор қилди. Белорус Республикасида Ўзбекистон каби объект фаолиятига рухсат бериладиган тизим мавжуд. Ғарб мамлакатларида (Буюк Британия ва Германия) маълум бир объект фаолиятини бошлаш учун ҳар доим ҳам экспертизадан “рухсат” сўрала бермайди. Барча мамлакатларда ҳам экологлар давлатга эътиroz қилолмайди. Украинада эса экологик экспертиза ўтказувчилар тўғридан-тўғри губернаторларга бўйсинади [14].

2019 йилда БМТнинг Европа Иқтисодий Комиссиясининг Ўзбекистонда ўтказилаётган экологик экспертиза фаолиятига берган ижобий баҳосига қарамай Ўзбекистон Республикаси давлат экология экспертиза фаолиятида айрим камчиликлар мавжуд:

Жойларда экологик экспертиза соҳасида мутахассислар етишмайди. Давлат экспертизаси БМТнинг Европа Иттифоқи комиссияси томонидан илгари сурилган экологик объектнинг трансчегаравий мамлакатлар атроф-мухитига таъсиригабаҳо бериш түғрисида ЭСПО минтақавий Конвенциясига (У Финляндия давлатининг ЭСПО шаҳрида тасдиқланган) етарли даражада мұвоғиқлаштирилмаган;

Хулоса ва таклифлар. Бозор иқтисодиёти шароитида сугориладиган дәхқончиликда сувдан фойдаланиш соҳасида иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш, иқтисодий ислоҳотларнинг энг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Унинг ривожланиш даражаси сув хўжалиги тизимларидан рационал фойдаланиш ва уни бошқариш самарадорлигига боғлиқ бўлади.

Умумий тарзда шуни айтиш мумкинки, сув хўжалиги соҳасида иқтисодий муносабатларни ислоҳ қилишдан мақсад, барча моддий ишлаб чиқариш тармоқларида худудий бошқаришнинг янги механизмини яратиш ва тижорат муносабатлари тамойилларини тўлиқ амалга оширишнинг зарурий шароитларини яратишдан иборат. Мазкур ислоҳот сув таъминоти бўйича эксплуатацион фаолиятни ташкил этишнинг янги шаклларини, яъни уюшма, акционерлик жамиятларини ташкил этиш билан мустаҳкам боғланган. Лекин ҳозирги молиявий қийинчиликлар юз берадиган бозор иқтисодиёти шароитида уларни сув хўжалиги фаолиятида жорий қилиш қийин кечмоқда;

Ҳозирги кунда мамлакатда барча сұфориша тизимлари давлат томонидан қурилмоқда ва эксплуатация қилинмоқда. Сув хўжалиги ташкилотлари сув истеъмолчилари билан шартнома-

ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИГИ ИҚТИСОДИЁТИ

вий муносабатлар ўрнатмай давлат бюджети ҳисобидан молиялаштирилмоқда. Қишлоқ хўжалиги сув истеъмолчиларига уларнинг талабларига кўра ҳеч қандай тўловсиз сув бериш амалга оширилмоқда. Оқибатда қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг амалдаги таннахии пасаймоқда, сув истеъмолчи корхоналарининг соғ даромади давлат томонидан суғоришни ташкил этиш харажатлари миқдорида ошмоқда.

Шунинг учун бозор муносабатларига ўтиш шароитида суғориладиган ерлардан фойдаланиш тизимларида республика даражасида иқтисодий барқарорликни кафолатлаш учун, сув хўжалиги ташкилотлари бизнинг фикримизча, қуидаги вазифа ва мажбуриятларини бажариши лозим:

- суғориладиган дехқончилик, гидроэнергетика, иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида сув истеъмолчиларининг сувдан рационал фойдаланмаганликлари учун маъмурий ва фуқоролик хуқуқий жавобгарлигини кучайтириш;

- мониторинг тизими ва сув хўжалиги обьектлари фаолияти учун зарур бўлган ички харажатларни қоплашда давлат бюджети улшини аниқлаш;

- фойдаланилаётган миллий аҳамиятга эга бўлган сув хўжалиги иншоотлари ва сув обьектлари фаолияти барқарорлигини сақлаб туриш бўйича сув истеъмолчиларига мажбуриятлар юклаш;

- иқтисодиёт тузулмаларини такомилластириш, норентабел бўлган ишлаб чиқаришни тутгатиш ва сув ва ер ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш.

Узоқ келажакни ҳисобга олмай ер, сув, биологик, тупроқ-иқлим ресурсларидан барқарор фойдаланмаслик нафақат ҳосилдорликнинг пасайишига, балки атроф-муҳитнинг экологик ҳолатининг ёмонлашувига ҳам олиб келмоқда.

Мамлакатда экологик назорат ва экологик экспертиза ташкилотлари самарадорлигини ошириш мақсадида Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш Республика маҳсус ваколатли давлат органлари ва айrim табиий ресурс турларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича бошқа вазирлик ва идоралар ҳамда уларга тегишли ҳудудий органларда давлат назоратларини амалга оширишни мувофиқластириб туриши зарур.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, (1992 й.) www.lex.uz
2. "Экологик назорат тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни(2013 й). www.lex.uz
3. "Давлат экологик экспертизаси тўғрисида"ги Қонун Ўзбекистон Республикаси Қонуни(2000), www.lex.uz
- 4 "Давлат экологик назоратини амалга ошириш тўғрисида"ги Низом (2014 й.). www.lex.uz
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 октябрдаги "2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида" ги № ПФ-5863 Фармони, [www.Lex.uz>docs](http://www.Lex.uz/docs)
6. "Давлат экологик экспертизаси тўғрисида" Низом www.Lex.uz
7. Красилников П., Конюшкова М., Ronald Vargas. "Ўрта Осиё мамлакатларида ер ресурслари ва озиқ-овқат хавфсизлиги", Euroasian Center for Food Security, 2016 йил, 302 б.
8. Мирзаев М.У., Абдуғаниева Д.А. "Сув ресурсларидан фойдаланишида тежамкор технологияларнинг самарадорлиги" –Т.: 2021 йил 18 май. 248 б.
9. Мирзаев А.Қ., Юсупов Г.А. Совершенствование деятельности экологического контроля в сфере организации управления эффективного землепользования в орошаемой зоне//Фарғона вилоятини инновацион ривожлантириши: муаммолар ва ечимлар" мавзусидаги республика илмий-назарий конференция материаллари тўплами. Фарғона-2020. 135-138 б.
10. Фармонов Т.Х., Юсупова. Ф.М. "Сув тежовчи технологиялар ишлаб чиқарилишини давлат томонидан иқтисодий рағбатлантириш", –Т.: 2021 йил 18 май, 519 б.
11. Худайбердиев А. Правовая охрана природы в Узбекистане. –Т.: Узбекистан, 1989 с.9.
12. www.stat.uz
13. Аму-Сурхон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси маълумотлари. -2003-2019 йй.
14. Шулепина Наталия. Как выставлять экологические оценки? 2019 г., 26.01.sreda/uz/.
15. Новиков Ю.Н., Бекназов Р.У. Охрана окружающей среды. –Т.: Ибн Сина, 1992,292 с.

ҚИШЛОҚ АҲОЛИСИ ДАРОМАДЛАРИДА НОҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИДАН КЕЛАДИГАН ДАРОМАДЛАРНИНГ ЎРНИ

Муратов Шукрулло Абдураимович –
докторант, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти

Аннотация. Мазкур илмий тадқиқот ишида қишлоқ аҳолиси даромадларида қишлоқ ва ноқишлоқ хўжалик фаолиятидан келадиган даромадларнинг ўрни ва аҳамияти ўрганилган. Шунингдек, қишлоқ ҳудудларида оила бошликлари даромадининг шаклланishiiga таъсир этувчи омилларга Tobit регрессияси орқали иқтисодий баҳо берилган. Таҳлилда онлайн ўтказилган 138 нафар респондент маълумотларидан фойдаланилган. Оила бошликлари ўртача ойлик даромадини уларнинг ноқишлоқ хўжалик фаолиятида банд бўлиши 640,1 минг сўмга, маълумоти ёки